ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ДЖАМАЛОВ СИРОЖИДДИН ЗУХРИДДИНОВИЧ

МАТЕМАТИК ФИЗИКАНИНГ НОКЛАССИК ТЕНГЛАМАЛАРИ УЧУН НОЛОКАЛ ЧЕГАРАВИЙ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DOCTOR OF SCIENCE) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

УДК: 517.956.6

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ДЖАМАЛОВ СИРОЖИДДИН ЗУХРИДДИНОВИЧ

МАТЕМАТИК ФИЗИКАНИНГ НОКЛАССИК ТЕНГЛАМАЛАРИ УЧУН НОЛОКАЛ ЧЕГАРАВИЙ ВА ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/FM86 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://fti-kengash.uz/) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Ашуров Равшан Раджабович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Садыбеков Махмуд Абдысаметович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Холмухамедов Олимжон Рахимович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Фаязов Қудратулло Садриддинович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc27.06.2017/FM 01.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»___________ 2019 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2019 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С.Саъдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик.

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

А.Азамов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раис ўринбосари, ф.-м.ф.д., академик.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар ҳусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун математик физиканинг классик масалалари орқали ифодаланган. Амалий масалаларни тадқиқ қилишда ноклассик тенгламалар, хусусан аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий ва тескари масалаларни тадқиқ қилиш долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, гидродинамика ва аэродинамиканинг баъзи масалалари тезлиги товуш тезлигига ва ундан юқори бўлган тезликларни акс эттирувчи жараёнлар орқали аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал масалаларни тадқиқ қилиш билан ифодаланади. Нолокал масалаларни тадқиқ қилиш жараёнида нолакал ва тескари масалалар орасида яқин боғланиш борлиги аниқланди. Уларнинг узвий боғлиқ эканлигидан, геофизика, сейсмология, томография масалаларини хал қилишда аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалаларни тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда аралаш типдаги тенгламалар учун, нолокал ва тескари масалаларнинг ечимини Адамар маъносида корректлигини аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Нолокал ва тескари масалаларни тадқиқ қилиш жараёнида учинчи тартибли ва қўшма таркибли тенгламаларнинг тақрибий ечимларини қуриш орқали изоҳланади. Бу борада, аралаш типдаги тенламалар учун янги бўлган нолокал масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлигини исботлаш жараёнида ечимлар учун априор баҳоларини олиш, ε-регуляризация ва Галёркин усуллари ёрдамида тақрибий ечимларини қуриш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиққа эга бўлган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун турли чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш, уларни ечишнинг самарали усулларини топишга алоҳида эътибор кучайтирилди. Жумладан, реал объектлардаги жараёнларни моделлаштирувчи аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий ва тескари масалаларни тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг бир қийматли ечилишига доир салмоқли натижаларга эришилди. “Дифференциал тенгламалар ва математик физика, функционал анализ, динамик системалар назарияси, амалий математика ва математик моделлаштириш” фанлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган[1]. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ноклассик тенгламалар назариясини ривожлантириш, улар учун коррект нолокал чегаравий масалаларни қўйиш ва уларни тескари масалалар билан боғлаш ва тадқиқ этишни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги №292 «Ўзбекистон республикаси фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789 “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги № ПҚ-2909 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Ҳусусий ҳосилали ноклассик дифференциал тенгламалар учун, хусусан, аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий ва тескари масалаларни тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Калифорния университети (АҚШ), Эдинбург университети (Буюк Британия), Токио университети (Япония), Сантьяго-де-Компостела университети (Испания), Рошель университети (Франция), София университети (Болгария), University of Bologna, University of Turinto (Италия), Вильнюс университети (Литва), Москва давлат университети, Новосибирск давлат университети, Башқирдистон давлат университети, Шимолий-Шарқий федерал университети ва Кабардин-Болкар давлат университети, Россия Фанлар академиясининг Математика институти ва унинг Сибир бўлими, Амалий математика ва автоматлаштириш институти Россия Фанлар академиясининг Кабардин-Болкар илмий маркази, Қозоғистон Фанлар академиясининг Математика ва математик моделлаштириш институтларида олиб борилмоқда.

Аралаш типдаги дифференциал тенгламалар назариясига оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: аралаш эллиптик-параболик типли тенгламар учун чегаравий масалалар ечиш назарияси яратилган (University Turinto, Италия); чегарада бузилувчи эллиптик-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалалар ечилган (Uppsala University, Швеция); аралаш эллиптико-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласининг экстремум принципи исботланган (Москва давлат университети, Россия Фанлар академияси Математика институти); аралаш эллиптик-гиперболик тенглама учун нолокал чегаравий масалалар ўрганилган (Амалий математика ва автоматлаштириш институти Россия Фанлар академиясининг Кабардин-

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Arkiv Mathematics Astronomis, www.springer.com/mathematics/journal/11512; www.springer.com; www.mathnet.ru; www.scopus.com; www.scholar.google.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

Болкар илмий маркази, Москва давлат университети, Новосибирск давлат университети, Самара давлат университети); аралаш типли тенгламалар учун спектрал масаланинг хос сон ва хос функциялари топилган (Москва давлат университети, Россия Фанлар Академияси Математика институти, Қозоғистон Фанлар Академиясининг Математика ва математик моделлаштириш институти); юқори тартибли қўшма ва аралаш-қўшма типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишнинг усуллари ишлаб чиқилган (Россия Фанлар академияси Математика институтининг Сибир бўлими, Амалий математика ва автоматлаштириш институти Кабардин-Болкар илмий маркази); аралаш эллиптик-параболик ва параболик-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечиш усуллари топилган (Россия Фанлар академияси Математика институтининг Сибир бўлими, Амалий математика ва автоматлаштириш институти Кабардин-Болкар илмий маркази, Математика ва математик моделлаштириш институти); уч ўлчовли чекли соҳада аралаш эллиптик-гиперболик тенглама учун чегаравий масалалар ечилган (University of California, University of state Merilin), Россия Фанлар академияси Математика институти Сибир бўлими; аралаш эллиптик-гиперболик тенглама учун уч ўлчовли чексиз соҳада чегаравий масалаларни Фурье интеграл алмаштириши ёрдамида ечиш усули ишлаб чиқилган (Россия Фанлар академияси Математика институти Сибир бўлими, Кабардин-Болкар давлат университети, Москва давлат университети, Самара давлат университети).

Дунёда бугунги кунда ноклассик ва аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларга қўйилган тўғри чегаравий ва тескари масалалар бўйича, муайян жараёнларни янада мутаносиб равишда ўзида акс эттирувчи математик моделларни яратиш ва уларни ифодаловчи масалаларни ечиш; чегаравий масалаларни аналитик ечиш усулларини қуриш; сонли моделларнинг турғун алгоритмларини тузиш каби устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нолокал масалалар биринчи бўлиб эллиптик тенгламалар учун А.В.Бицадзе ва А.А. Самарский томонидан ўрганилган. Ҳозирда ушбу масалалар уларнинг номлари билан аталмоқда. Ҳусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар назарияси А.В.Бицадзе, А.А.Самарский, А.А.Дезин, В.А.Ильин, М.С.Салахитдинов, Е.И.Моисеев, Т.Д.Джураев, А.И.Кожанов, Т.Ш.Кальменов, М.А.Садыбеков ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ривожлантирилган. Ҳусусий ҳосилали ноклассик дифференциал тенгламалар учун, хусусан аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий ва тескари масалаларни тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишларга оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган:

Чизиқли биринчи тур аралаш типдаги тенгламалар учун бир қатор нолокал масалаларнинг ечимини ягоналиги ва мавжудлиги функционал усуллар ёрдамида Т.Ш.Кальменов, М.А.Садыбеков, К.Б.Сабитов, Б.Н.Цыбиковлар ва С.З.Джамаловлар томонидан, иккинчи тур аралаш типдаги тенгламаларга АН.Терехов, СН.Глазатов, Г.Каратопроклиев, МГ.Каратопроклиева ва

С.З.Джамаловлар томонидан ўрганилган. Функционал усуллар ёрдамида масалаланинг ягоналигини априор баҳолаш, мавжудлиги Галёркин, априор баҳолаш, “ε-регуляризация”, учинчи тартибли ва қўшма типдаги тенгламаларнинг ечиш усуллари ёрдамида амалга оширилмокда. Қўшма типдаги тенгламалар учинчи тартибли тенгламаларнинг асосий вакиллари ҳисобланади. Учинчи тартибли тенгламалар назариясининг асослари А.В.Бицадзе, М.С.Салахиддинов, Т.Д.Джураев, В.Н.Врагов, Т.Ш.Кальменов, А.И. Кожанов, М.Т.Дженалиев ва уларнинг ўқувчилари томонидан ишлаб чиқилган.

Нолокал масалаларни тадқиқ қилиш жараёнида нолокал ва тескари масалалар орасида яқин боғланиш борлиги аниқланди. Тескари масалалар ҳусусий ҳосилали классик тенгламалар учун нокоррект масалалар бўлиб, масалалар ечимининг ягоналиги ва турғунлигини текисликдаги соҳаларда тадқиқ қилиш А.Н.Тихонов, М.М.Лаврентьев, В.Я.Арсенин, В.Г.Романов, С.И. Кабанихин, А.Хайдаров, Ш.Ярмухамедов, К.С.Фаёзов, А.Бегматов, Д.Дурдиев ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Кўп ўлчовли фазоларда модел тенгламар учун тескари масалаларнинг ечимини корректлиги В.Г.Романов томонидан, иккинчи тартибли умумий кўринишдаги классик тенламаларга Б.А.Бубнов томонидан, юқори тартибли умумий кўринишдаги классик тенгламаларга АИ.Кожанов ва С.Г.Пятковлар томонидан функционал усуллар ёрдамида тадқиқ килинмокда. Аралаш типдаги модел тенгламалар учун тескари масалар тўтбурчак соҳаларда профессор К.Б. Сабитов ва унинг ўқувчилари томонидан ўрганиляпти. Уч ва кўп ўлчовли фазоларда нолокал чегаравий ва тескари масалалар Р.Р.Ашуров ва С.З.Джамаловлар томонидан тадқиқ қилинмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика Институти илмий татқиқот ишлари режасидаги ОТ-Ф4-88 рақамли «Иккинчи ва юқори тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларнинг тадқиқи» ҳамда MRU-OT-1/2017 рақамли Россия ва Ўзбекистон қўшма «Ноклассик тенгламалар учун нолокал ва тескари масалалар» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Соболев фазоларида иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур аралаш типдаги тенгламалар ва юкланган аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал ва тескари масалаларнинг Адамар маъносидаги корректлигини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: чизиқли иккинчи тартибли биринчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун даврий кўринишдаги нолокал масалаларнинг ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлигини Соболев фазоларида исбот қилиш;

чизиқли ва чизиқсиз иккинчи тартибли иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун ярим нолокал масалаларнинг ечимини ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлигини Соболев фазоларида исбот қилиш;

чизиқли иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли юкланган аралаш типдаги тенгламалар учун даврий кўринишдаги нолокал ва ярим нолокал масалаларнинг ечимининг ягоналиги ва мавжудлигини Соболев фазосида исбот қилиш;

иккинчи тартибли чизиқли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалаларнинг ечимини Адамар маносидаги корректлигини исбот қилиш.

Тадқиқотнинг объекти иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги юкланган ва юкланмаган тенгламалар, кичик параметрли учинчи ва қўшма типдаги тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал ва тескари масалаларни ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида функционал анализ, математик физика, дифференциал операторларнинг спектрал назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккинчи тартибли чизиқли биринчи тур, кўп ўлчовли аралаш типдаги тенглама учун даврий кўринишдаги нолокал масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлиги Соболев фазоларида исботланган;

чизиқли ва чизиқсиз иккинчи тартибли иккинчи тур, кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун ярим нолокал масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлиги Соболев фазоларида исботланган;

Соболев фазосида иккинчи тартибли чизиқли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли юкланган аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги исботланган;

иккинчи тартибли чизиқли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалалар ечимининг Адамар маносидаги корректлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кичик параметрли учинчи тартибли тенгламалардан иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлигини тадқиқ қилишда қўлланилган.

Кичик параметрли қўшма типдаги тенгламалардан иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалаларнинг Адамар маъносида корректлигини исбот қилишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур, кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий ва тескари масалаларнинг ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва силлиқлигини Соболев фазоларида исбот қилишда математик ва функционал анализ, математик физика, чизиқли дифференциал операторларнинг спектрал назарияси, қаторлар назарияси усулларини қўллаш ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар назарияси учун нолокал ва тескари масалалар ечимининг ягоналиги мавжудлиги ва силлиқлигини исботлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг биринчи ва иккинчи тур, иккинчи тартибли кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламалар орқали ифодаланувчи тебранувчи жараёнларни бошқариш, иссиқлик ва ёнғин тарқалиши жараёнларини ўрганиш, сейсмологик жараёнларни прогноз қилиш ва бошқа ҳодисаларнинг моделларини тадбиқ этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Математик физиканинг ноклассик тенгламалари учун нолокал чегаравий ва тескари масалаларга оид олинган натижалар асосида:

иккинчи тартибли биринчи ва иккинчи тур кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламларга қўйилган нолокал чегаравий масалаларнинг ечими 0824/ГФ4 рақамли «Нолокал чегаравий масалалар ва уларни тақрибий ечиш» хорижий грантда фрактал муҳитлар жараёнларини моделлаштиришда юзага келадиган классик бўлмаган дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш ва масалалар ечимларининг ягоналиги ва мавжудлигини исботлашда қўлланилган (Қозоғистон Миллий академияси Математика ва моделлаштириш илмий-текшириш институтининг 2018 йил 20 ноябрдаги 01-04/195-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ноклассик тенгламаларга қўйилган нолокал ва интеграл кўринишидаги масалаларнинг регуляр ечимларини топиш имконини берган;

биринчи ва иккинчи тур иккинчи тартибли кўп ўлчовли аралаш типдаги тенгламаларга қўйилган тескари масалаларнинг ечими «Фрактал ҳисоб ва унинг татбиқи» мавзусидаги хорижий грантда ноклассик тенгламалар учун тескари масалаларни ечишда қўлланилган (В.Беринг номидаги Камчатка давлат университетиниг 2018 йил 20 ноябрдаги 55-06-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ноклассик тенгламалар учун фрактал муҳитда, радоннинг масса узатиш жараёнларини аниқлаш имконини берган;

аралаш, аралаш-таркибли иккинчи ва учинчи тартибли тенгламалар учун тадқиқ қилинаётган нолокал чегаравий шартли тескари масалаларнинг ечими IG/DSI/DOMS/18/06 рақамли хорижий грантда аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий шартларида янги нолокал чегаравий шартлар билан берилган тескари масалаларни ечишда қўлланилган («Sultanate of Oman, Sultan Qaboos University»нинг 2019 йил 1 январдаги малумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши аралаш типдаги тенгламалар учун янги нолокал чегаравий шартлар билан берилган масалаларнинг тақрибий ечимларини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 30 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 22 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 25 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 8 таси хорижий ва 10 таси республика журналларида нашр этилган, бундан ташқари 7 та илмий мақола периодик журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўп ўлчовли биринчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун даврий кўринишидаги нолокал чегаравий масалалар”** деб номланувчи **биринчи бобида** кўп ўлчовли биринчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги хусусий ҳосилали тенгламалар учун даврий кўринишдаги нолокал чегаравий масалалар ўрганилган.

Ушбу бобнинг *биринчи параграфида* диссертацияни асосий натижаларини олишда зарур ва маълум бўлган, таърифлар, функционал фазолар, тенгсизликлар, леммалар ва ҳусусий ҳосилали тенгламалар назариясига доир баъзи маълумотлар, шунингдек келгуси боб ва параграфларда фойдаланиладиган аралаш типдаги тенгламаларга таъриф ва уларнинг коэффицентларига қўйиладиган баъзи шартлар келтирилган. Диссертацияда асосан икки кўринишдаги соҳаларда ва берилган икки турга мансуб бўлган аралаш типдаги тенгламалар тадқиқ қилинади. Шу сабабли ушбу соҳалар ва тенгламаларнинг тавсифини қуйида келтирамиз.

$Q=(0,T)\times\prod_{i=1}^{n}(\alpha_i,\beta_i),$ орқали $(n+1)-$ўлчовли $\mathbb{R}^{n+1}$ Евклид фазосидаги параллелепипед кўринишидаги соҳани белгилаймиз, бунда $(t,x_1,...,x_n)$, $0<\alpha_i<\beta_i<+\infty,\ \ \forall i=\overline{2,n},\ \ \alpha_1<0<\beta_1.$

$D=\Omega\times(0,T),$ орқали $\mathbb{R}^{n+1}$ Евклид фазосидаги бўлакли-силлиқ чегарали цилиндрик соҳани белгилаймиз, бунда Ω - бир боғламли, силлиқ чегарали $\mathbb{R}^{n}$ фазосидаги соҳа.

Қуйида ушбу соҳаларнинг бирида берилган хусусий ҳосилали иккинчи тартибли дифференциал тенгламани қараймиз.

$$Lu=K(x,t)u_{tt}-\left(a_{ij}(x)u_{x_i}\right)_{x_j}+\alpha(x,t)u_t+c(x,t)u=f(x,t). \qquad (1)$$

Кейинги параграфларда (1) тенгламанинг барча коэффициентларини хақиқий ва етарлича силлиқ функциялар деб ва тенгламада қатнашаётган йиғиндининг индексларини 1 дан n гача ўзгаради деб ҳисоблаймиз.

(1) тенглама қаралаётган соҳаларнинг ичида $K(x,t)$ функциянинг ўзгарувчи лари бўйича ишора алмашишига қараб икки ҳил гуруҳга бўлинади.

А) агар $K(x,t)=K(x)$ функция қуйидаги шартни қаноатлантирса $x_1\cdot K(x)>0,$ бунда $x_1\neq 0,$ $x_1\in(\alpha_1,\beta_1),$ $\alpha_1<0<\beta_1,$ яъни қаралаётган соҳа ичида x_1 ўзгарувчи бўйича ишорасини ўзгартирса, у ҳолда (1) тенглама қаралаётган соҳада биринчи тур аралаш типдаги тенгламалар гуруҳига мансуб бўлади.

В) агар $K(x,t)$ функция барча $x\in\overline{\Omega}$ лар учун қуйидаги $K(x,0)\leq 0\leq K(x,T)$ шартни қаноатлантириб, қаралаётган соҳа ичида t ўзгарувчиси бўйича ишорасини ўзгартирса, у ҳолда (1) тенглама қаралаётган соҳада иккинчи тур аралаш типдаги тенгламалар гуруҳига мансуб бўлади.

Фараз қилайлик: $a_{ij}(x)=a_{ji}(x),\ a_{ij}(\alpha_k)=a_{ji}(\beta_k),\forall i,j,k=\overline{1,n};\ x\in\overline{\Omega},\ \xi\in\mathbb{R}^{n},\ |\xi|^2=\sum_{i=1}^{n}\xi_i^2,$

бундан ташқари ихтиёрий $\xi\in\mathbb{R}^{n}$ ва $x\in\overline{\Omega}$ лар учун қуйидаги шартлардан бири ўринли бўлсин деб ҳисоблаймиз.

$(a).\ a_{ij}(x)\xi_i\xi_j\geq a_0|\xi|^2,$ бунда $a_0=const>0,$

$(b).\ a_{ij}(x)\xi_i\xi_j\leq a_1|\xi|^2,$ бунда $a_1=const<0.$

Келгусида ушбу тенгсизликлардан теоремаларнинг матинларида (a) ва (b) шартлар сифатида фойдаланамиз.

Иккинчи параграфида кўп ўлчовли биринчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали тенгламалар учун даврий кўринишдаги нолокал чегаравий масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва ечимнинг силлиқлиги $W_2^{m+2}(Q),(0\leq m-$чекли бутун сон) Соболев фазоларида ўрганилган.Қаралаётган масалалар ечимининг мавжудлиги, ягоналиги ва силлқлигига доир теоремалар априор баҳолаш, Галёркин, “ε-регуляризация” усуллари ёрдамида исботланган.

Ушбу параграфда келтирилган натижалар янги натижалардир.

Ушбу Q-$(n+1)-$ўлчовли параллелепипед кўриншидаги соҳада биринчи тур, иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали аралаш типдаги тенгламани қараймиз.

$$Lu=K(x)u_{tt}-\left(a_{ij}(x)u_{x_i}\right)_{x_j}+\alpha(x,t)u_t+c(x,t)u=f(x,t), \qquad (2)$$

бунда, агар $x_1 \neq 0,$ бўлса $x_1 \cdot K(x) > 0, \quad x_1 \in (\alpha_1, \beta_1), \alpha_1 < 0 < \beta_1.$

Даврий кўринишдаги нолокал чегаравий 1-масала. $W_2^2(Q)$ Соболев фазосида (2) тенгламани ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг:

$$\gamma D_t^p u\big|_{t=0} = D_t^p u\big|_{t=T}, \tag{3}$$

$$\eta_i D_{x_i}^p u\big|_{x_i=\alpha_i} = D_{x_i}^p u\big|_{x_i=\beta_i}, \tag{4}$$

бунда $p = 0,1; \quad \gamma$ и $\eta_i - const \neq 0, \forall i = \overline{1,n};$ $D_z^p u = \dfrac{\partial^p u}{\partial z^p},$ $D_z^0 u = u.$

$V_1(Q)-$орқали $W_2^2(Q)$ Соболев фазосидаги (3),(4) шартларни қаноатлантирувчи синфни белгилаймиз.

Таъриф 1. (2)-(4) масаланинг $W_2^2(Q)$ фазосидаги ечими деб, $u(x,t) \in V_1(Q)$ бўлган, (2) тенгламани ва (3)-(4) шартларни қаноатлантирувчи $u(x,t)$ функцияга айтилади.

Теорема 1. Фараз қилайлик, (2) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин, $2\alpha + \lambda K(x) > 0$; $\lambda c - c_t > 0,$ ихтиёрий $(x,t) \in \overline{Q}$ учун, бунда $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| > 0, \quad |\gamma| > 1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| < 0, \quad |\gamma| < 1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $|\eta_i| \geq 1, \forall i = \overline{1,n};$ $c(x,0) \leq c(x,T),$ ихтиёрий $x \in \overline{\Omega}$ учун. Агар ихтиёрий $f \in L_2(Q)$ функция учун, (2)-(4) масаланинг ечими $W_2^2(Q)$ фазосида мавжуд бўлса, у ҳолда у ягона бўлади.

Теорема 2. Фараз қилайлик, (2) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин, $2\alpha + \lambda K(x) > 0, \lambda c - c_t > 0$ иҳтиёрий $(x,t) \in \overline{Q}$ учун, бунда $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| > 0, \quad |\gamma| > 1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| < 0, \quad |\gamma| < 1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $|\eta_i| \geq 1, \forall i = \overline{1,n};$ $c(x,0) = c(x,T), \alpha(x,0) = \alpha(x,T)$ иҳтиёрий $x \in \overline{\Omega}$ учун. У ҳолда қуйидаги шартни қанотлантиручи $\gamma \cdot f(x,0) = f(x,T),$ иҳтиёрий $f \in W_2^1(Q)$ функция учун (2)-(4) масаланинг ечими $W_2^2(Q)$ фазосида мавжуд ва ягона бўлади.

Энди (2)-(4) масала ечимининг силиқлилигини ўрганамиз.

Теорема 3. Фараз қилайлик, теорема 2 нинг барча шартлари бажарилган бўлсин, ва $D_t^p a\big|_{t=0} = D_t^p a\big|_{t=T}$; $D_t^p c\big|_{t=0} = D_t^p c\big|_{t=T}$. У ҳолда қуйидаги шартни қанотлантирувчи $\gamma D_t^p f\big|_{t=0} = D_t^p f\big|_{t=T}, (p = 0,1,2,3,...m)$ ихтиёрий $f \in W_2^{m+1}(Q)$ функция учун (2)-(4) масаланинг ечими $W_2^{m+2}(Q), (0 \leq m -$чекли бутун сон) Соболев фазоларида мавжуд ва ягона бўлади.

Ушбу бобнинг *учинчи параграфида* кўп ўлчовли Чаплыгин тенгламаси учун нолокал чегаравий масала ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва ечимнинг силлиқлиги $W_2^{m+2}(Q),(0\le m-$чекли бутун сон) Соболев фазоларида ўрганилган.Қаралаётган масала ечимининг мавжудлиги, ягоналиги ва силлқлигига доир теоремалар априор баҳолаш, Фурье, Галёркин, “ε-регуляризация” усуллари ва Парсевал тенглиги ёрдамида исботланган.

$$Q=\prod_{i=1}^{n}(\alpha_i,\beta_i)\times(0,T)\times(0,\ell)=Q_1\times(0,\ell)=\{(x,t,y);x\in\Omega,0<y<\ell,0<t<T<+\infty\}$$

орқали бўлакли-силлиқ чегарали соҳани белгилаймиз, бунда

$$\partial Q=\partial Q_1\times(0,\ell),\ \partial Q_1=\partial\Omega\times(0,T).$$

Ушбу Q-$(n+2)-$ўлчовли параллелепипед кўринишидаги соҳада биринчи тур, иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали аралаш типдаги тенгламани қараймиз:

$$Lu=K(x)u_{tt}-(a_{ij}(x)u_{x_i})_{x_j}-a(x,t)u_{yy}+\alpha(x,t)u_t+c(x,t)u=f(x,t,y), \qquad (5)$$

бунда, агар $x_1\ne 0,$ бўлса $x_1\cdot K(x)>0,\ x_1\in(\alpha_1,\beta_1),\ \alpha_1<0<\beta_1.$

Нолокал чегаравий 2-масала. $W_2^2(Q)$ Соболев фазосида (5) тенгламани ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг:

$$\gamma D_t^p u\big|_{t=0}=D_t^p u\big|_{t=T}, \qquad (6)$$

$$\eta_i D_{x_i}^p u\big|_{x_i=\alpha_i}=D_{x_i}^p u\big|_{x_i=\beta_i}, \qquad (7)$$

$$u(x,t,0)=u(x,t,\ell)=0, \qquad (8)$$

бунда $p=0,1;\quad \gamma\ \text{и}\ \eta_i-const\ne 0,\forall i=\overline{1,n};$

Теорема 4. Фараз қилайлик, (5) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин, $2\alpha(x,t)+\lambda K(x)>0$; $\lambda c(x,t)-c_t(x,t)>0,$ $\lambda a(x,t)-a_t(x,t)>0$ ихтиёрий $(x,t)\in\overline{Q}$ учун, бунда $\lambda=\dfrac{2}{T}\ln|\gamma|>0,\ |\gamma|>1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda=\dfrac{2}{T}\ln|\gamma|<0,\ |\gamma|<1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $|\eta_i|\ge 1,\forall i=\overline{1,n};$ $c(x,0)\le c(x,T),\ a(x,0)\le a(x,T),$ ихтиёрий $x\in\overline{\Omega}$ учун. У холда ихтиёрий $f(x,t,y)\in L_2(Q)$функция учун, (5)-(8) масаланинг ечими $W_2^2(Q)$фазосида мавжуд бўлса, у ҳолда у ягона бўлади.

Теорема 5. Фараз қилайлик, (5) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин, $2\alpha(x,t)+\lambda K(x)>0,\lambda c(x,t)-c_t(x,t)>0,$ $\lambda a(x,t)-a_t(x,t)>0$ ихтиёрий $(x,t)\in\overline{Q}$ учун, бунда $\lambda=\dfrac{2}{T}\ln|\gamma|>0,\ |\gamma|>1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda=\dfrac{2}{T}\ln|\gamma|<0,\ |\gamma|<1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $|\eta_i|\ge 1,\forall i=\overline{1,n};$ $c(x,0)=c(x,T),\ \alpha(x,0)=\alpha(x,T),\ a(x,0)=a(x,T)$ ихтиёрий $x\in\overline{\Omega}$ учун. У холда қуйидаги шартни қанотлантирувчи

$\gamma \cdot f(x,0,y) = f(x,T,y),$ ихтиёрий $f \in W_2^1(Q)$ функция учун (5)-(8) масаланинг ечими $W_2^2(Q)$ фазосида мавжуд ва у ягона бўлади.

Энди (5)-(8) масала ечимининг силиқлилигини ўрганамиз.

Теорема 6. Фараз қилайлик, теорема 5 нинг барча шартлари бажарилган бўлсин, ва $D_t^p a\big|_{t=0} = D_t^p a\big|_{t=T}$, $D_t^p c\big|_{t=0} = D_t^p c\big|_{t=T}$, $D_t^q a\big|_{t=0} = D_t^q a\big|_{t=T}$. У холда қуйидаги шартни қанотлантирувчи $\gamma D_t^p f\big|_{t=0} = D_t^p f\big|_{t=T}$, $(p = 0,1,2,3,...m)$ ихтиёрий $f \in W_2^{m+1}(Q)$ функция учун (5)-(8) масаланинг ечими $W_2^{m+2}(Q)$, ($0 \le m -$чекли бутун сон) Соболев фазоларида мавжуд ва у ягона бўлади.

Диссертациянинг **“Кўп ўлчовли иккинчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар”** номли **иккинчи бобида** кўп ўлчовли иккинчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун ярим нолокал чегаравий ва даврий кўринишидаги нолокал чегаравий масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва ечимнинг силлиқлиги ўрганилган.

Ушбу бобнинг *биринчи параграфида* кўп ўлчовли иккинчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали тенгламалар учун ярим нолакал чегаравий масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва ечимнинг силлиқлиги $W_2^{m+2}(D), (0 \le m -$бутун, чекли сон) Соболев фазоларида ўрганилган. Қаралаётган масала ечимининг мавжудлиги, ягоналиги ва силлиқлигига доир теоремалар априор баҳолаш, “ε-регуляризация”, Галёркин усуллари ёрдамида исботланган.

Ушбу цилиндрик $D = \Omega \times (0,T),$ соҳада иккинчи тур, иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали аралаш типдаги тенгламани қараймиз.

$$Lu = K(x,t)u_{tt} - \left(a_{ij}(x)u_{x_i}\right)_{x_j} + \alpha(x,t)u_t + c(x,t)u = f(x,t). \qquad (9)$$

бунда, $K(x,0) \le 0 \le K(x,T),$ ихтиёрий $x \in \overline{\Omega}$ учун. $K(x,t)$ функцияга t ўзгарувчиси бўйича соҳа ичида ҳеч кандай шарт қуйилмайди. Шунинг учун (9) тенглама иккинчи тур аралаш типдаги тенгламалар гуриҳига мансуб бўлади.

Ярим нолокал чегаравий 3-масала. $W_2^2(D)$ Соболев фазосида (9) тенгламани ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг:

$$\gamma \cdot u(x,0) = u(x,T) \qquad (10)$$

$$u\big|_S = 0 \qquad (11)$$

бунда $\gamma -$нолдан фарқли ўзгармас сон.

Теорема 7. Фараз қилайлик, (9) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин, $2\alpha - |K_t| + \lambda K > 0,$ $\lambda c(x,t) - c_t(x,t) > 0,$ ихтиёрий $(x,t) \in \overline{D}$ учун, бунда $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| > 0,$ $|\gamma| > 1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| < 0,$ $|\gamma| < 1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса,

$c(x,0)=c(x,T),\ \alpha(x,0)=\alpha(x,T),$ ихтиёрий $x\in\overline{\Omega}$ учун. У ҳолда қуйидаги шартни қанотлантиручи $\gamma\cdot f(x,0)=f(x,T)$ ихтиёрий $f\in W_2^1(D)$ функция учун (9)-(11) масаланинг ечими $W_2^2(D)$ фазосида мавжуд ва у ягона бўлади.
Энди (9)-(11) масала ечимининг силиқлилигини ўрганамиз.

Теорема 8. Фараз қилайлик, теорема 7 нинг барча шартлари бажарилган бўлсин, ва $p=1,2,3,...,m$ и $q=0,1,2,3,...,m;$ $2(\alpha+m\cdot K_t)-|K_t|+\lambda K\geq\delta>0$ ихтиёрий $(x,t)\in\overline{D}$ учун, $K(x,0)=K(x,T)=0,$ $D_t^pK\big|_{t=0}=D_t^pK\big|_{t=T},$ $D_t^q\alpha\big|_{t=0}=D_t^q\alpha\big|_{t=T},$ $D_t^qc\big|_{t=0}=D_t^qc\big|_{t=T}$ ихтиерий $x\in\overline{\Omega}$ учун. У ҳолда қуйидаги шартларни қанотлантиручи $\gamma D_t^pf\big|_{t=0}=D_t^pf\big|_{t=T},$ $(p=0,1,2,3,...m)$ ихтиёрий $f\in W_2^{m+1}(D)$ функция учун (9)-(11) масаланинг ечими $W_2^{m+2}(D),(1\leq m-$чекли бутун сон) Соболев фазоларида мавжуд ва у ягона бўлади.

Ушбу бобнинг *иккинчи параграфида* кўп ўлчовли иккинчи тур, иккинчи тартибли чизиқсиз аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали тенглама учун ярим нолокал чегаравий масаланинг ечимини ягоналиги ва мавжудлиги $W=W_2^2(D)\cap L_{p,\beta}(D)$ фазосида ўрганилган. Бу ерда

$L_{p,b}(D)$ орқали $b(t)$ і 0 вазн функцияси билан берилган ўлчамли функциялар синфидан ташкил топган Банах фазосини белгилаймиз, фазодаги нормани қуйидагича аниқлаймиз.

$$\|u\|_{L_{p,b}(D)}=\left(\int_D b(t)|u|^p\,dxdt\right)^{\frac{1}{p}}.$$

Қаралаётган масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналигига доир теоремалар махсус априор баҳолаш, Галёркин, “ε-регуляризация” усуллари ва монотон операторлар назарияси ёрдамида исботланган.
Цилиндрик $D=\Omega\times(0,T)$ соҳада иккинчи тур, иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали чизиқсиз аралаш типдаги тенгламани қараймиз:

$$Lu=K(x,t)u_{tt}-\left(a_{ij}(x)u_{x_j}\right)_{x_i}+\alpha(x,t)u_t+c(x,t)u+\beta(\mathrm{t})|u_t|^{\rho}u_t=f(x,t),\quad(12)$$

бунда, $K(x,0)\leq0\leq K(x,T),$ $x\in\overline{\Omega},$ $\beta(t)\geq0,$ $0<\rho\leq\dfrac{2}{n-2}$, агар $n\geq3$ бўлса, $\rho-$ ихтиёрий чекли сон, агар $n=1,2$ бўлса.

Ярим нолокал чегаравий 4-масала. $W=W_2^2(D)\cap L_{p,\beta}(D),p=\rho+2$ фазода (12) тенгламани ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$\gamma\cdot u(x,0)=u(x,T)\quad(13)$$

$$u\big|_S=0\quad(14)$$

бунда $\gamma-$нолдан фарқли ўзгармас сон.

C_L орқали $W = W_2^2(D) \cap L_{p,\beta}(D), p = \rho + 2$ фазодаги (13), (14) шартларни қаноатлантирувчи синфни белгилаймиз.

Таъриф 3. (12)-(14) масаланинг $W = W_2^2(D) \cap L_{p,\beta}(D), p = \rho + 2$ фазодаги ечими деб, $u(x,t) \in C_L$ бўлган ва (12) тенгламани қаноатлантирувчи $u(x,t)$ функцияга айтилади.

Теорема 9. Фараз қилайлик, (12) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин, $2\alpha - |K_t| + \lambda K > 0, \quad \lambda\, c(x,t) - c_t(x,t) > 0,$ ихтиёрий $(x,t) \in \overline{D}$ учун, бунда $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| > 0, \quad |\gamma| > 1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| < 0, \quad |\gamma| < 1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $c\,(x,0) = c(x,T), \quad \alpha\,(x,0) = \alpha\,(x,T),$ ихтиёрий $x \in \overline{\Omega}$ учун, $\beta(T) = \beta(0) = 0.$ У ҳолда қуйидаги шартни қанотлантиручи $\gamma \cdot f\,(x,0) = f\,(x,T)$ ихтиёрий $f \in W_2^1(D)$ функция учун (12)-(14) масаланинг ечими $W = W_2^2(D) \cap L_{p,\beta}(D)$ фазосида мавжуд, ягона бўлади ва ечим учун қуйидаги априор бахолар ўринли.

I) $\|u\|_1^2 + \|u_t\|_{L_{p,\beta}(Q)}^P \le c_1 \| f \|_0^2;$

II)
$$\|u\|_2^2 + \frac{(\rho+1)}{(0.5\rho+1)^2}\left[\left\|\frac{\partial}{\partial t}(|u_t|^{\rho/2}\,\mathrm{u}_t)\right\|_{L_{2,\beta}(\mathrm{Q})}^2\right] + \left\|\nabla(|u_t|^{\rho/2}\,\mathrm{u}_t)\right\|_{L_{2,\beta}(\mathrm{Q})}^2 +$$
$$+\left\||u_t|^{\rho/2}\,\mathrm{u}_t\right\|_{L_{2,\beta}(\mathrm{Q})}^2 \le c_2 \cdot \| f \|_1^2 .$$

Ушбу бобнинг *учинчи параграфида* кўп ўлчовли иккинчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали тенгламалар учун даврий кўринишдаги нолокал чегаравий масала ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва ечимнинг силлиқлиги $W_2^{m+2}(Q), (0 \le l -$ бутун,чекли сон) Соболев фазоларида ўрганилган. Қаралаётган масаланинг ечимини мавжудлиги, ягоналиги ва силлиқлигига доир теоремалар априор баҳолаш, Галёркин, “ε-регуляризация” усуллари ёрдамида исботланган.

Q-$(n+1)-$ўлчовли параллелепипед кўринишидаги $Q = \Omega \times (0,T)$ соҳада иккинчи тур, иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали аралаш типдаги тенгламани қараймиз:

$$Lu = K(x,t)u_{tt} - \left(a_{ij}(x)u_{x_i}\right)_{x_j} + \alpha\,(x,t)u_t + c\,(x,t)u = f\,(x,t). \qquad (15)$$

бунда, агар $x \in \overline{\Omega}$ бўлса, у ҳолда $K\,(x,0) \le 0 \le K\,(x,T).$

Даврий кўринишдаги нолокал чегаравий 5-масала. $W_2^2(Q)$ Соболев фазосида (15) тенгламани ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг

$$\gamma \cdot u(x,0) = u(x,T), \qquad (16)$$

$$\eta_i D^p_{x_i} u\Big|_{x_i=\alpha_i} = D^p_{x_i} u\Big|_{x_i=\beta_i} \qquad (17)$$

бунда $p=0,1;$ γ $u\,\eta_i - const \neq 0, \forall i=\overline{1,n}.$

Теорема 10. Фараз қилайлик, (15) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин,

$2a-|K_t|+\lambda K>0,\ \lambda c-c_t>0,$ ихтиёрий $(x,t)\in\overline{Q}$ учун, бунда $\lambda=\frac{2}{T}\ln|\gamma|>$ $|\gamma|>1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda=\frac{2}{T}\ln|\gamma|<0$ $|\gamma|<1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $|\eta_i|\geq 1, \forall=\overline{1,n};$ $c(x,0)=c(x,T),$ $a(x,0)=a(x,T),$ ихтиёрий $x\in\overline{\Omega}$ учун, $a(\alpha_i,t)=a(\beta_i,t)$, $K(\alpha_i,t)=K(\beta_i,t)$, $\forall i=\overline{1,n}$, ихтиёрий $t\in[0,T]$ учун. У ҳолда қуйидаги шартни қанотлантирувчи $\gamma\cdot f(x,0)=f(x,T)$ ихтиёрий $f\in W_2^1(Q)$ функция учун (15)-(17) масаланинг ечими $W_2^2(Q)$ Соболев фазосида мавжуд ва у ягона бўлади.

Энди (15)-(17) масала ечимининг силиқлилигини ўрганамиз.

Теорема 11. Фараз қилайлик, теорема 10 нинг барча шартлари бажарилган бўлсин, ва $p=1,2,3,...,m$ и $q=0,1,2,3,...,m;$ $2(\alpha+m\cdot K_t)-|K_t|+\lambda K\geq\delta>0,$ ихтиерий $(x,t)\in\overline{Q}$ учун, $K(x,0)=K(x,T)=0,$ $D_t^pK\big|_{t=0}=D_t^pK\big|_{t=T}$, $D_t^q\alpha\big|_{t=0}=D_t^q\alpha\big|_{t=T}$, $D_t^qc\big|_{t=0}=D_t^qc\big|_{t=T}$ ихтиёрий $x\in\overline{\Omega}$ учун. У ҳолда қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $\gamma D_t^pf\big|_{t=0}=D_t^pf\big|_{t=T}$, $(p=0,1,2,3,...m)$ ихтиёрий $f\in W_2^{m+1}(Q)$ функция учун (15)-(17) масаланинг ечими $W_2^{m+2}(Q),(1\leq m-$чекли бутун сон) Соболев фазоларида мавжуд ва у ягона бўлади.

Ушбу бобнинг *тўртинчи параграфида* кўп ўлчовли иккинчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали тенгламалар учун ярим нолакал чегаравий масала ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва ечимнинг силлиқлиги $W_2^{m+2}(D),(0\leq m-$бутун,чекли сон) Соболев фазоларида ўрганилган. Қаралаётган масала ечимининг мавжудлиги, ягоналиги ва силлиқлигига доир теоремалар априор баҳолаш, Фурье, Галёркин, “ε-регуляризация” усуллари ва Парсевал тенглиги ёрдамида исботланган.

$D=\Omega\times(0,T)\times(0,\ell)-(n+2)-$ўлчовли цилиндрик кўринишидаги соҳада иккинчи тур, иккинчи тартибли хусусий ҳосилали аралаш типдаги тенгламани қараймиз.

$$Lu=K(x,t)u_{tt}-(a_{ij}(x)u_{x_i})_{x_j}-a(x,t)u_{yy}+\alpha(x,t)u_t+c(x,t)u=f(x,t,y), \qquad (18)$$

бунда, $K(x,0)\leq 0\leq K(x,T),$ ихтиёрий $x\in\overline{\Omega}$ учун.

Ярим нолокал чегаравий 6-масала. $W_2^2(D)$ Соболев фазосида (18) тенгламани ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг:

$$\gamma\cdot u(x,0,y)=u(x,T,y) \qquad (19)$$

$$u\big|_S = 0 \tag{20}$$
$$u(x,t,0) = u(x,t,\ell) = 0, \tag{21}$$

Теорема 12. Фараз қилайлик, (18) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин,
$2a - |K_t| + \lambda K > 0,\ \lambda\, c(x,t) - c_t(x,t) > 0,\ \lambda\, a(x,t) - a_t(x,t) > 0$ ихтиёрий $(x,t) \in \overline{D}$ учун, бунда $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| > 0,\ |\gamma| > 1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| < 0,\quad |\gamma| < 1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $c(x,0) = c(x,T),$ $\alpha(x,0) = \alpha(x,T),\ a(x,0) = a(x,T)$, ихтиёрий $x \in \overline{\Omega}$ учун. У ҳолда қуйидаги шартни қанотлантирувчи $\gamma \cdot f(x,0,y) = f(x,T,y),$ ихтиёрий $f \in W_2^1(D)$ функция учун (18)-(21) масаланинг ечими $W_2^2(D)$ Соболев фазосида мавжуд ва у ягона бўлади.

Энди (18)-(21) масала ечимининг силиқлилигини ўрганамиз.

Теорема 13. Фараз қилайлик, теорема 12 нинг барча шартлари бажарилган бўлсин, ва $p = 1,2,3,...,m$ и $q = 0,1,2,3,...,m;$ $2(\alpha + mK_t) - |K_t| + \lambda K \ge \delta > 0$ ихтиёрий $(x,t) \in \overline{D}$ учун, $K(x,0) = K(x,T) = 0,$ $D_t^p K\big|_{t=0} = D_t^p K\big|_{t=T},\ D_t^q \alpha\big|_{t=0} = D_t^q \alpha\big|_{t=T},\ D_t^q c\big|_{t=0} = D_t^q c\big|_{t=T},\ D_t^q a\big|_{t=0} = D_t^q a\big|_{t=T},$ ихтиёрий $x \in \overline{\Omega}$ учун. У ҳолда қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $\gamma D_t^q f\big|_{t=0} = D_t^q f\big|_{t=T}$ ихтиёрий $f(x,t,y) \in W_2^{m+1}(D),$ функция учун (18)-(21) масаланинг ечими $W_2^{m+2}(D), (1 \le m -$ чекли бутун сон) Соболев фазоларида мавжуд ва у ягона бўлади.

Диссертациянинг **“Кўп ўлчовли иккинчи тартибли юкланган аралаш типдаги тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар”** деб аталувчи **учинчи бобида** кўп ўлчовли биринчи ва иккинчи тур, иккинчи тартибли юкланган аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар ечимининг ягоналиги ва мавжудлиги $W_2^3(Q)$ Соболев фазосида ўрганилган.

Қаралаётган масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналигига доир теоремалар априор баҳолаш, Галёркин, “ε-регуляризация”, кетма-кет яқинлашишлар ва қисқартириб акс эттириш усуллари ёрдамида исботланган.

Ушбу бобнинг *биринчи параграфида* кўп ўлчовли биринчи тур, иккинчи тартибли юкланган аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун даврий кўринишдаги нолокал чегаравий масаланинг ечимини ягоналиги ва мавжудлиги $W_2^3(Q)$ Соболев фазосида ўрганилган.

Ушбу параграфда келтирилган натижалар янги натижалардир.

Q- $(n+1)-$ўлчовли параллелепипед кўринишидаги соҳада биринчи тур, иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали юкланган аралаш типдаги тенгламани қараймиз.

$$Lu = K(x)u_{tt} - \left(a_{ij}(x)u_{x_i}\right)_{x_j} + \alpha(x,t)u_t + c(x,t)u = f(x,t) + P[u(x,0)], \quad (22)$$

бунда, $x_1 \neq 0,$ бўлса $x_1 \cdot K(x) > 0,$ $x_1 \in (\alpha_1, \beta_1),$ $\alpha_1 < 0 < \beta_1,$

$$P[u(x,0)] = \sum_{i=0}^{2} b_i(x,t)\frac{\partial^i u(x,0)}{\partial x^i}.$$

Даврий кўринишдаги нолокал чегаравий 7-масала. $W_2^3(Q)$ Соболев фазосида (22) тенгламани ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг

$$\gamma D_t^p u\big|_{t=0} = D_t^p u\big|_{t=T}, \quad (23)$$

$$\eta_i D_{x_i}^p u\big|_{x_i=\alpha_i} = D_{x_i}^p u\big|_{x_i=\beta_i} \quad (24)$$

бунда $p = 0,1;$ γ и $\eta_i - const \neq 0, \forall i = \overline{1,n}.$

Теорема 14. Фараз қилайлик, (22) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин, $2\alpha(x,t) + \lambda K(x) > 0,$ $\lambda c(x,t) - c_t(x,t) > 0$ ихтиёрий $(x,t) \in \overline{Q}$ учун, бунда $\lambda = \frac{2}{T}\ln|\gamma| > 0,$ $|\gamma| > 1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda = \frac{2}{T}\ln|\gamma| < 0,$ $|\gamma| < 1,$ агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $|\eta_i| \geq 1, \forall i = \overline{1,n};$ $D_t^p a\big|_{t=0} = D_t^p a\big|_{t=T},$ $D_t^p c\big|_{t=0} = D_t^p c\big|_{t=T},$ $(p = 0,1)$ ихтиёрий $x \in \overline{\Omega}$ учун. Бундан ташқари, шундай кичик мусбат s сон мавжуд бўлсинки, унинг учун қуйидаги тенгсизликлар ўринли бўлсин:

$$d_0 - s \geq d_* > 0; \qquad 2\rho \cdot M \cdot \|b\|^2_{C^{0,1}_{x,t}(\overline{Q})} < d_*,$$ бунда $(d_0 = \min\{d_i, i = 1,2; \lambda a_k\},$ $\|b\|^2_{C^{0,1}_{x,t}(\overline{Q})} = \max\{|b_i|, |b_{it}|\}, i = 0,1,2\},$ M $(s^{-1}, \lambda, T, \gamma)$ параметрларга боғлиқ ўзгармас сон). У ҳолда қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $\gamma \cdot D_t^p f\big|_{t=0} = D_t^p f\big|_{t=T}, (p = 0,1),$ ихтиёрий $f \in W_2^2(Q)$ функция учун (22)-(24) масаланинг ечими $W_2^3(Q)$ Соболев фазосида мавжуд ва у ягона бўлади.

Ушбу бобнинг *иккинчи параграфда* кўп ўлчовли иккинчи тур, иккинчи тартибли юкланган аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун ярим нолокал чегаравий масала ечимининг ягоналиги ва мавжудлиги $W_2^3(D)$ Соболев фазосида ўрганилган.

Цилиндрик $D = \Omega \times (0,T)$ соҳада иккинчи тур, иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали юкланган аралаш типдаги тенгламани қараймиз.

$$Lu = K(x,t)u_{tt} - \left(a_{ij}(x)u_{x_j}\right)_{x_i} + \alpha(x,t)u_t = c(x,t)u = f(x,t) + P\left[u(x,0)\right] \quad (25)$$

бунда, агар $x \in \overline{\Omega}$ бўлса, у холда $K(x,0) = K(x,T) = 0$,

$$P[u(x,0)] = \sum_{i=0}^{2} b_i(x,t)\frac{\partial^i u(x,0)}{\partial x^i}.$$

Ярим нолокал чегаравий 8-масала. $W_2^3(D)$ Соболев фазосида (25) тенгламанинг қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечимини топинг

$$g\text{Ч}u(x,0) = u(x,T), \quad (26)$$

$$u\big|_S = 0, \quad (27)$$

бунда, $\gamma -$ нолдан фарқли ўзгармас сон.

Теорема 15. Фараз қилайлик, (25) тенгламанинг коэффициентлари қуйидаги шартларни қаноатлантирсин, $2(\alpha + K_t) - |K_t| + \lambda K > 0$, $\lambda c(x,t) - c_t(x,t) > 0$ ихтиёрий $(x,t) \in \overline{D}$ учун, бунда $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| > 0$, $|\gamma| > 1$ агар (a)-шарт бажарилган бўлса ва $\lambda = \dfrac{2}{T}\ln|\gamma| < 0$, $|\gamma| < 1$, агар (b)-шарт бажарилган бўлса, $K_t(x,0) = K_t(x,T)$, $D_t^p a\big|_{t=0} = D_t^p a\big|_{t=T}$, $D_t^p c\big|_{t=0} = D_t^p c\big|_{t=T}$, $(p = 0,1)$ ихтиёрий $x \in \overline{\Omega}$ учун. Бундан ташқари, шундай кичик мусбат s сон мавжуд бўлсинки, унинг учун қуйидаги тенгсизликлар ўринли бўлсин:

$d_0 - s\ \mathrm{i}\ d_* > 0;$ $2r\ є\ M\,\text{Ч}\|b\|^2_{C^{0,1}_{x,t}(\overline{Q})} < d_*,$ бунда $(d_0 = \min\{d_i, i = 1,2; l\,a_k\},$ $\|b\|^2_{C^{0,1}_{x,t}(\overline{Q})} = \max\{|b_i|, |b_{it}|\}, i = 0,1,2\},$ M (s^{-1}, l, T, g) параметрларга боғлиқ ўзгармас сон). У ҳолда қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $\gamma \cdot D_t^p f\big|_{t=0} = D_t^p f\big|_{t=T}, (p = 0,1)$, ихтиёрий $f \in W_2^2(D)$ функция учун (25)-(27) масаланинг ечими $W_2^3(D)$ Соболев фазосида мавжуд ва у ягона бўлади.

Диссертациянинг **“Кўп ўлчовли иккинчи тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун тескари масалалар”** деб аталувчи **тўртинчи бобида** кўп ўлчовли биринчи ва иккинчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тескари масалаларнинг ечимини ягоналиги ва мавжудлиги Соболевнинг махсус интегралланучи функциялар $U = \{(u,h)\,|\, u(x,t,y) \in W_2^2(Q), D_y^3 u \in L_2(Q), h(x,t) \in L_2(Q_1)\}$ фазосида ўрганилган. Қаралаётган масалалар ечимларининг мавжудлиги ва ягоналигига доир теоремалар априор баҳолаш, Галёркин, “ε-регуляризация”, кетма-кет яқинлашишлар ва қисқартириб акс эттириш усуллари ёрдамида исботланган. *Ушбу бобда келтирилган натижалар янги натижалардир.*

Ушбу бобнинг *биринчи параграфида* кўп ўлчовли биринчи тур, иккинчи тартибли аралаш типдаги ҳусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий шартли тескари масала ечимининг ягоналиги ва мавжудлиги $U-$ фазосида ўрганилган.

$\mathbb{R}^{n+2}$ Евклид фазосида қуйидаги $Q=\prod_{i=1}^{n}(\alpha_i,\beta_i)\times(0,T)\times(0,1)$ - $(n+2)-$ўлчовли параллелепипед берилган бўлсин, бу ерда $(t,x_1,...,x_n),\ 0<\alpha_i<x_i<\beta_i<+\infty,\quad \forall i=\overline{2,n},$ $\alpha_1<0<\beta_1$. Ушбу Q соҳада биринчи тур, иккинчи тартибли хусусий ҳосилали аралаш типдаги тенгламани қараймиз:

$$Lu=K(x)u_{tt}+\left(a_{ij}(x)u_{x_j}\right)_{x_i}-a(x,t)u_{yy}+\alpha(x,t)u_t+c(x,t)u=\psi(x,t,y). \quad (28)$$

бунда, $x_1\neq 0,$ бўлганда $x_1\cdot K(x)>0,\ x_1\in(\alpha_1,\beta_1),\ \alpha_1<0<\beta_1,$

Фараз қилайлик, тенгламанинг ўнг томони қуйидаги кўринишда бўлсин: $\psi(x,t,y)=g(x,t,y)+h(x,t)\cdot f(x,t,y),$ бунда $g(x,t,y)$ ва $f(x,t,y)-$ берилган маълум функциялар, $h(x,t)$ номаълум функция. $h(x,t)$ ни топиш учун нолокал чегаравий шартга қўшимча шарт қўшилади.

Нолокал чегаравий шартли биринчи тескари масала. (28) тенгламани ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи

$$\gamma D_t^p u\big|_{t=0}=D_t^p u\big|_{t=T} \quad (29)$$

$$D_{x_i}^p u\big|_{x_i=\alpha_i}=D_{x_i}^p u\big|_{x_i=\beta_i}, \quad (30)$$

$$u(x,t,0)=u(x,t,1)=0, \quad (31)$$

бунда $p=0,1,\quad \gamma-const\neq 0,$

$$u(x,t,\ell_0)=\varphi(x,t),\quad 0<\ell_0<1, \quad (32)$$

ва

$$U=\{(u,h)\big|\,u(x,t,y)\in W_2^2(Q),D_y^3u\in L_2(Q),h(x,t)\in L_2(Q_1)\}$$

фазога тегишли $u(x,t,y)$ ва $h(x,t)$ функциялари топилсин.

Тенгламанинг коэффициентларига қўйилган шартлар диссертациянинг биринчи боб биринчи параграфида келтирилган бўлиб, тенгламанинг коэффицентларга ва ўнг томонига ҳамда қўшича шартда берилган $\phi(x,t)$ функцияга қуйидаги қўшимча шартларни бажарилишини талаб қиламиз:

1-шарт.

$\alpha(x,0)=\alpha(x,T),\ c(x,0)=c(x,T),\ a(x,0)=a(x,T);$

$D_y^p f(x,t,1)=D_y^p f(x,t,0)=0;\quad p=0,2;$

$\gamma\cdot g(x,0,y)=g(x,T,y);\gamma\cdot f(x,0,y)=f(x,T,y);$

